

Raziya B. MATIBAYEVA,
Head of the Al-Azhar Department
for Arabic Language and Literature
International Islamic Academy of Uzbekistan,
Doctor of Philological Sciences, Docent
A.Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan
E-mail: r.matibaeva@gmail.com

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-4/10

АБУЛ МУАЙЯД ХОРАЗМИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ

THE LIFE AND SCHOLARLY ACTIVITY OF ABU AL-MUAYYAD AL-KHWARIZMI

ЖИЗНЬ И НАУЧНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ АБУ АЛЬ-МУАЙЯДА АЛЬ-ХОРЕЗМИ

КИРИШ

XI-XII асрларда яшаб ўтган Абул Муайяд Муваффақ ибн Аҳмад Хоразмий ўз даврининг етук олимларидан бири бўлган. Унинг ҳаёти ва илмий фаолияти Хоразмдаги билим ва маърифатнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган. Хоразмийнинг илмга бўлган қизиқиши ва мустаҳкам иродаси унинг бир қатор улкан олимлардан сабоқ олишига имкон яратган. У Бағдод, Куфа, Ҳамадон каби йирик илм марказларига сафар қилиб, ислом дунёсининг етакчи мутафаккирлари билан алоқада бўлган.

Унинг илмий мероси ислом таълимоти ва ҳанафий мазҳабини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Хоразмийнинг асосий асарларидан бири бўлмиш «Маноқиб Аби Ҳанифа» китобида у ҳанафий мазҳабининг асосчиси Имом Абу Ҳанифа ҳақидаги ривоятларни тўплаган. Бу асар орқали у фикҳий билимларни авлодларга етказиш ва мазҳабга бўлган ҳурматни оширишни мақсад қилган.

Хоразмий фақат илм ўрганиш билан чекланиб қолмаган, балки ўзи ҳам кўплаб шогирдлар етиштирган. Унинг таълим ва тарбияга қўшган ҳиссаси, юксак ахлоқий кадриятларга содиқлиги бугунги кун талабаларига ҳам ибрат бўлади. Унинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш орқали ўрта асрлардаги ислом оламидаги билим ва маърифатнинг қанчалик юқори даражада бўлганини кўришимиз мумкин.

МУҲОКАМА

Абул Муайяд Муваффақ ибн Аҳмад ибн Исҳоқ Маккий Хоразмий зиёли оиласида дунёга келиб, ўз даври илм-фанига салмоқли ҳисса қўшган олимдир. Манбаларда олим даражасининг юқорилиги тан олиниб, «Садру-л-аимма» («Имомлар садри, имоми»), «Садру-д-дин» («Диннинг садри, имоми») номи берилган (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:7). Аксарият муаллифларнинг қайд этишларича, «Хоразм хатиби» (ал-Қурайший, 1993:523) лақабини олган бу олимнинг ҳаёти 1091-1172 йилларга тўғри келади (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:87). Унинг акаси Абул Фараж Хоразмий Хоразмда ўз отаси ҳузурида 1095 йилнинг декабрь ойида устозидан таҳсил олаётганда Абул Муайяд Хоразмийнинг бу жойда бўлмаганидан уни ўша пайтда жуда ёш бўлган деган хулосага келиш мумкин (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:262).

Олимнинг ҳаёти куйидаги ҳукмдорлар даврида кечди: тахминан 1077 йилдан бошланган Ануштегинийлар сулоласининг илк вакилларида Ануш-тегин Гарчаи (тах. 1077-1097), Қутбуддин Мухаммад (1097-1127), Алоуддин Отсиз (1127-1156), Эл-Арслон (1156-1172), Ануштегин Алоуддин Текиш (1172 й.) ҳамда Султоншоҳ ибн Эл-Арслон (1172-1193) (Босворт, 2007:134-135).

Олимга «ал-Маккий» нисбаси берилишига сабаб унинг Маккага кўп маротаба сафар қилгани бўлиши ҳам мумкин. Ўрта асрларда бундай номнинг учраши оддий ҳолат эди. Буни Абу Саъд ас-Самъоний «ал-Ансоб» («Нисбалар») асарида Исмоил ибн Муслим исмли кишининг кўп маротаба Макка шаҳрига ҳаж ва тижорат мақсадида катнагани сабабли унга «ал-Маккий» номи берилганини зикр этишида кўришимиз мумкин (ас-Самъоний, 1998:267). Аммо унинг акаси Шамсу-л-аимма Абул Фараж Мухаммад ибн Аҳмад ҳам Маккий нисбасига эга бўлганидан бошқа хулосани чиқариш мумкин: Хоразмда ҳам Маккаи мукаррамага тақлидан номланган ёки унга ўхшаш номдаги жой бўлган бўлиши мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мазкур ишда ҳаёти ва илмий фаолияти ўрганилаётган олим Муваффақ ибн Аҳмад Хоразмийни унга ватандош, Садруддин лақаби билан машҳур бўлган Абул Муайяд Муваффақ ибн Мухаммад ибн ал-Ҳасан ибн Абу Саид Хосий Хоразмий (1183-1236/37) билан адаштирмаслик керак. Хоразмнинг Хос қишлоғидан чиққан, исм ва нисбаси Муваффақ

Аннотация. Ушбу мақолада XI–XII асрларда Хоразмда яшаган ва фаолият кўрсатган машҳур олим Абул Муайяд Муваффақ ибн Аҳмад Хоразмийнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳар томонлама ўрганилган. Олимнинг ҳаёт йўли, илмий фаолияти, таълим олган мактаблари ҳамда устозлари ва шогирдлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Хоразмийнинг ислом оламининг Бағдод, Куфа, Ҳамадон каби йирик илм марказларига қилган сафарлари таҳлил қилиниб, у ердаги машҳур олимлар билан илмий алоқалари очиб берилган. Хусусан, Хоразмийнинг Бағдодда ал-Хатиб ал-Бағдодийнинг «Тарих Бағдод» асари билан танишиб, ундаги маълумотларни ўз асарига киритгани, Ҳамадонда Абу Мансур Шаҳрдор ибн Ширвайҳ ад-Дайламий каби етук муҳаддислардан ҳадис ривоятларини ўргангани, Куфада фаолият юритган алломалар билан илмий мунозараларда қатнашгани каби қизиқарли маълумотлар келтирилган.

Мақолада олимнинг асосий асарларидан бири – «Маноқиб Аби Ҳанифа» асари асосида келтирилган ривоятлар ва уларнинг аҳамияти муҳокама қилинган. Мазкур асарда Хоразмий ўз устозларидан эшитган ривоятларни келтириб, ҳанафий мазҳабининг ўрганилишида катта ҳисса қўшган. Ушбу тадқиқот орқали Хоразмийнинг ҳанафий мазҳабини тиклашга қўшган ҳиссаси, диний-ижтимоий ихтилофларни ҳал этишдаги фаолияти ва улуг олимлар билан бўлган алоқалари кенг ёритилган. Мақола Хоразмийнинг илмий меросини ўрганиш орқали ўрта асрлардаги илм-фаннинг ривожланишига оид янги маълумотларни тақдим этиб, бугунги кунда ҳам аҳамиятга эга бўлган гоё ва билимларни ёритишга қаратилган.

Калим сўзлар: Абул Муайяд Хоразмий, Хоразм, ислом илмлари, ҳанафий мазҳаби, «Маноқиб Аби Ҳанифа», илмий сафарлар, ривоятлар, устозлар, шогирдлар, илмий алоқалар.

Abstract. This article provides an in-depth study of the life and scholarly legacy of Abu al-Mu'ayyad Muwaffaq ibn Ahmad al-Khwarizmi, a distinguished scholar of the 11th–12th centuries who lived and worked in Khwarazm. It explores his biography, academic pursuits, the educational institutions he attended, and his relationships with teachers and students. The article also examines his travels to major centers of Islamic learning, such as Baghdad, Kufa, and Hamadan, and highlights his intellectual exchanges with renowned scholars in these cities. Significant attention is given to al-Khwarizmi's engagement with Tarikh Baghdad by al-Khatib al-Baghdadi during his time in Baghdad, as well as his study of hadith narrations under prominent scholars like Abu Mansur Shahrudor ibn Shirwayh al-Daylami in Hamadan. Furthermore, the article discusses his participation in scholarly debates with experts in Kufa and other cities.

A key focus of the article is al-Khwarizmi's seminal work, *Manaqib Abi Hanifa*, which contains narrations he heard from his teachers and serves as an essential source for the study of the Hanafi school of jurisprudence. The significance of these narrations and their role in the development and preservation of Hanafi thought are critically analyzed. The research highlights al-Khwarizmi's contributions to the revival of the Hanafi school, his efforts in resolving religious and social disputes, and his intellectual connections with leading scholars of his era. By examining al-Khwarizmi's scholarly contributions, this article sheds light on the development of science and knowledge in the medieval Islamic world and presents ideas and insights that remain relevant in modern times.

Keywords: Abu al-Mu'ayyad al-Khwarizmi, Khwarazm, Islamic sciences, Hanafi school, «Manaqib Abi Hanifa», scholarly travels, narrations, teachers, students, scholarly connections.

Аннотация. В статье всесторонне изучается жизнь и научное наследие выдающегося ученого XI–XII веков Абу аль-Муайяда Муваффака ибн Ахмада аль-Хорезми, который жил и работал в Хорезме. Приводится подробная информация о его жизненном пути, научной деятельности, учебных заведениях, где он получал образование, а также о его учителях и учениках. Анализируются поездки аль-Хорезми в крупные научные центры исламского мира, такие как Багдад, Куфа и Хамадан, а также его научные связи с известными учеными этих городов. В частности, обсуждается, как аль-Хорезми, находясь в Багдаде, изучил труд аль-Хатыба аль-Багдади «Тарих Багдад» и включил его данные в свои работы. Отмечается, что в Хамадане он изучал хадисы у таких выдающихся ученых, как Абу Мансур Шахрдор ибн Ширвейх ад-Дейлами, а также участвовал в научных дискуссиях с учеными в Куфе.

Кроме того, в статье освещаются взгляды аль-Хорезми на социально-политическую ситуацию своего времени и взаимоотношения между различными научными школами и течениями. Особое внимание уделяется его значительному труду «Манакиб Аби Ханифа», в котором анализируются приводимые рассказы и их значение. Благодаря включению рассказов, услышанных от своих учителей, аль-Хорезми внес значительный вклад в изучение ханафитского мазхаба, сделав свой труд важным источником.

В исследовании подробно раскрывается роль аль-Хорезми в восстановлении ханафитского мазхаба, его деятельность по разрешению религиозных и социальных конфликтов, а также его связи с выдающимися учеными. Статья направлена на выявление новых данных о развитии науки и знаний в средние века посредством изучения научного наследия аль-Хорезми, а также подчеркивает актуальность его идей и знаний в современности.

Ключевые слова: Абу аль-Муайяд аль-Хорезми, Хорезм, исламские науки, ханафитский мазхаб, «Манакиб Аби Ханифа», научные путешествия, рассказы, учителя, ученики, научные связи.

ибн Аҳмадникига жуда ўхшаш бўлган ва ундан кейинги даврда яшаган бу олим фикр илмига оид «ал-Фусул фи илми-л-усул» асарини ёзган (ал-Қурайший, 1993:524).

Хоразмий таълим билан бирга юксак тарбия кўрган инсон сифатида намоён бўлади. У «Маноқиб Аби Ҳанифа» («Абу Ҳанифа маноқиблари») асарида 50га яқин унга ривоят айтган устозларининг номларини санаб, ҳар бирига ўзининг алоҳида ҳурмат ва эҳтиромини билдиради (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:341). Улар орасида илмий фаолияти ва асарлари билан танилган қуйидаги олимларни алоҳида зикр этиб ўтиш лозим:

Шамсу-л-аимма Абул Фараж Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Маккий (Хоразмийнинг акаси – XI-XII асрлар);

Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарий (1075-1144);

Абду-л-Ҳамид ибн Микоил ибн Аҳмад Баротқиний (XI-XII асрлар);

Абул Фадл Абдурахмон ибн Муҳаммад Кирмоний (XI-XII асрлар);

Абду-л-Ҳамид ибн Аҳмад (XI-XII асрлар) ва бошқалар.

Манбалар Абул Муайяд Хоразмий таҳсил олишига унинг энг аввало отаси Аҳмад ибн Исҳоқ ва акаси Шамсу-л-аимма Абул Фараж Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Маккий Хоразмий (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:262) сабабчи бўлганини кўрсатади. Бунинг далили сифатида илм аҳлига ҳурмати баланд бўлган ота илк даврда катта ўғли Муваффақ ибн Аҳмад Хоразмийнинг акасига сабоқ бериш учун уни Хоразмда ўз замонасининг олими Шайху-л-қузот Абу Али Исмоил ибн Аҳмад Байҳаҳийда ўқитганини келтириш мумкин. Абул Фараж Маккий отаси ҳузурида 1095 йилнинг декабрь ойида ал-Байҳаҳийдан эшитган ривоятларини кейинчалик укаси Абул Муайяд Хоразмийга етказган. Бу ривоятлардан бири Мовароуннаҳрда ислом илмлари тараққиётига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган олим Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазийнинг Абу Ҳанифа ҳақида айтган қуйидаги ҳикоясидир:

– Ким ҳам унингдек (Абу Ҳанифадек) бўла оларди!? Унга дунё бериб синалди, у сабр қилди (манманликка берилмади). Қамчин билан синалди, сабр қилди. Ким ҳам унингдек бўла оларди!? (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:262).

Хоразмий ўз акасидан унинг Бағдодда Абул Маолий Ҳалабийдан эшитган ривоятларини ҳам

ўз китобига киритган (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:69). Бундан ака-ука Хоразмийлар Бағдодда сафарда бирга бўлганлар деган хулосани чиқариш мумкин.

Абул Муайяд, энг аввало, ўз она юрти Хоразмда ислом оламида кўзга кўринган бир қатор хоразмлик шайхлардан таълим олган. Улар орасида «ал-Кашшоф ан ҳақоик ат-танзил ва уюн ал-ақовил фи вужуҳи-т-таъвил» («Қуръон ҳақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўзлар кўзларини очиш») номли тафсирнинг муаллифи «Жоруллоҳ» («Аллоҳнинг қўшниси»), «Устозуд-дунё» («Бутун дунёнинг устози») шарафли лақабларини олган Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарийни алоҳида таъкидлаш лозим. Замахшарий ўзининг машҳур «Мақомот» асарини Макка амири Ибн Ваққосга бағишлаб ёзган ва унга туҳфа қилган. Шунингдек, Замахшарий ҳадисларга бағишланган ҳамда сарф ва наҳв масалаларини кенг ёритган китоблар ҳамда шеърӣ девонларнинг муаллифи ҳамдир (Замахшарий, 2004:91). Ушбу серқирра олим қўлида Хоразмийнинг таҳсил олиши унинг мазкур илмлар бўйича пухта малакага эга бўлганини кўрсатади. Абул Муайяд Хоразмий устози Замахшарийни юксак кадрлаб – «Аллома, Хоразмнинг фаҳри», дея зикр этади.

Ҳанафийликнинг содиқ вакили бўлган Хоразмий ўша даврда мўътазила йўналиши вакилларида бири ҳисобланган Замахшарий номини юксак эҳтиром билан зикр этиши ва шу билан бирга аллома томонидан Имом Абу Ҳанифа ҳақида айтилган мактовли фикрларни келтириши алоҳида аҳамиятга эга. У Имом Абу Ҳанифага нисбатан «У Қуръони каримни яхши билмас эди, унга қатъий амал қилмас эди», деб айтилган фикрлар нотўғри эканини далиллаб, Имом Аъзамнинг Рамазон ойларида 60 маротаба – тунда бир, кундузи бир маротаба Қуръонни хатм қилгани ҳақидаги ривоятни келтиради (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:327-328). Бу ҳолат ўрта аср олимлари турли мазҳабларда бўлишларига қарамай, улар орасида ўзаро бағрикенглик муносабатлари устун турганини кўрсатади.

Хоразмийга ўз юртида Абу Ҳанифа ҳақидаги ривоятни айтган яна бир устози Имом Абду-л-Ҳамид ибн Микоил ибн Аҳмад Баротқинийдир (XI-XII асрлар). У Хоразмийга Муҳаммад ибн Аҳмад Ригдамуний орқали Бухоро илм аҳли томонидан шакллантирилган анъаналарни етказган. Мовароуннаҳрда Самарқанддан кейинги

ўринда турадиган илм маркази бўлмиш Бухоро олимларининг Абу Ҳанифага муносабатини улар нақл қилган қуйидаги ривоятдан ҳам билиш мумкин. Унда Абу Ҳанифа устози ва шогирдлари ҳақида шундай фикрни билдиради:

– Ҳаммод (ибн Абу Сулаймон) вафот этганидан бери ўқиган ҳар бир намозимда отам билан бир қаторда унинг ҳақиға истиғфор айтдим. Дарҳақиқат, мен ўзимга илм берган ва мендан илм олганлар ҳақиға истиғфор айтаман (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:257).

Хоразмийнинг она юртидаги устозларидан яна бири Абул Фадл Абдурахмон ибн Муҳаммад Кирмонийдир (1065-1150) (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:256). Абул Фадл Кирмоний номини Хуросоннинг Марв шаҳридан чиққан, XII асрда яшаб ижод этган, кўплаб олимларнинг нисбалари ҳақидаги машҳур асари «ал-Ансоб»ни ёзган Абу Саъд Абдул Карим ибн Муҳаммад Самъоний Марвазий (1117-1167) ҳам ҳурмат билан тилга олган ва унинг ўз устози, қози Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳусайн Арсобандийдан ҳадис ривоят қилиб берганини зикр этган. Умрининг охирида Марвга келган Кирмоний шу шаҳарда вафот этган (ас-Самъоний, 1998:612).

Абул Фадл Кирмоний Абу Ҳанифа билан бўлиб ўтган воқеани Хоразмийга етказган. Унда Имом Аъзамнинг вазмин табиатли, Аллоҳга таваккул қилувчи, қалби таскин топган инсон эканлиги кўринади. Мазкур ривоят Шақиқ ибн Иброҳим ал-Балхийдан ҳикоя қилинган:

«Бир куни одамлар билан тўла масжидда ўтирган эдик. Абу Ҳанифа ҳам шу ерда эди. Кутилмаганда шифтдан Абу Ҳанифа устига бир илон осилиб туша бошлади. Одамлар «Илон! Илон!», дея шовқин солдилар. Барча ҳар томонга тарқаб кетди. Мен ҳам улар орасида эдим. Аммо, Абу Ҳанифа ўтирган жойидан жилмади, ранги ҳам ўзгармади. Илон унинг қўйнига тушди. Олим қўйлагини силкитиб ташлади ва шу ҳолатича ўтираверди. Шунда мен унинг нақадар юксак даражадаги имон (йақин) эгаси эканини билдим» (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:247).

Абул Муайяд Хоразмий унга берган билим ва маълумотлари учун самимий миннатдорчилигини билдирган устозлари сирасида Насафдан чиқиб, умрининг асосий қисмини Самарқандда ўтказган ва Мовароуннаҳрда ханафий-мотуридий мазҳабининг ривож топишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган олим – Абу Ҳафс Насафийнинг (1068-1142) номини ҳам зикр этган (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:61).

Тадқиқ этилаётган даврда Самарқанд Мовароуннаҳрнинг энг йирик маданият марказларидан бири бўлган эди. Шу сабабли ҳам Хоразмийнинг фаолияти ушбу шаҳар илмий муҳити билан бевосита боғлиқ ҳолда ривожланган ҳамда Абу Ҳафс Насафий билан илмий алоқалари унинг минтақадаги умумий илмий-маънавий ҳолатдан бохабар бўлганидан дарак беради.

Хоразмий Абу Ҳафс Насафийдан ислом илмлари – тафсир, ҳадис, фикҳ, калом, адаб ва назм соҳалари бўйича кўп билим олган. Ушбу йўналишларга оид қатор илмий асарлар ёзган Хоразмийнинг бадиий билимини «Маноқиб» асарида лозим топган жойларини шеърӣ тарзда бергани ва бу йўл билан ўз асарининг бадиий жиҳатдан бой ва қизиқарли бўлишига эришганида кўриш мумкин.

Хоразмийнинг ислом оламидаги йирик илм марказлари – Бағдод, Куфа, Ҳижоз, Ҳамадон, Журжонда бўлиб, у ердаги кўпгина олимлардан бевосита ривоятлар эшитгани диққатга сазовор.

Бағдодда ишончли (сиқа) саналмиш муҳаддис шайх Абу Бакр Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ Зоғунийдан Абу Ҳанифанинг ўз эътиқодини мустаҳкам сақлаш учун ҳар қандай қийинчиликка бардош бергани ҳақидаги ривоятни келтиради. Унда айтилишича, Имом Аъзамнинг бошларига зиндонда қаттиқ урдилар. Бу ҳақдаги хабар Ибн Аби Лайло ва Ибн Шибрима масжидда турганларида уларга етиб келди. Шунда Ибн Шибрима айтди:

– Шу инсон ҳақида нима дейсиз? У ўз нафсига биздан кўра меҳрибонроқдир. Зеро, биз дунё талабида бўлсак, у дунё бойлигидан воз кечгани учун жазоланмоқда (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:275).

Мазкур ривоятларни кейинги авлодга узатган олимларга хос хусусиятлардан бири шунда эдики, улар кўпроқ ўзларини ҳайратга солган ҳолатлар ҳақидаги ҳикояларни бошқаларга айтар эдилар. Шу билан бирга улардаги ҳикматли ўғитларни ўз ҳаётӣ тамойилларига айлантирар эдилар.

Бағдодда Хоразмийга Абу Ҳанифанинг «Умматнинг чироғи» экани ҳақидаги ҳадисни ривоят қилган яна бир олим Ғазна шаҳридан чиққан Имом Бурҳонуддин Абул Ҳасан Али ибн Ҳусайн Ғазнавий эди. У Бағдоднинг «Работул-Маймун» деган жойидаги «Бобу-л-Азаж» кўчасида мазкур ҳадисни ўқиб берган (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:15, 29,37). Хоразмий Бағдодда Бурҳонуддин Ғазнавийдан олган

маълумотларини асарнинг 17 жойида келтиради (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:10-488). У ривоят қилган маълумотлар Абу Ҳанифанинг тобиийлардан бўлганини исботлайди. Хусусан, Хоразмий ўз асарида Ғазнавийга унинг Абу Ҳанифа саҳобий Анас ибн Моликдан ривоят қилган «Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон(эркак ва аёл)га фарздир» деган ҳадисини зикр этган (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:29-30).

Иккинчисида эса Имом Абу Ҳанифанинг «Мен Расулulloҳ (с.а.в.) саҳобийларидан етти кишини учратдим», деган сўзлари келтирилади (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:35).

Келтирилган маълумотлардан Абу Ҳанифанинг тобиийлардан бўлганини исботлашга уриниш нақадар кучли бўлгани кўринади. Хоразмий бу фикрни исботлаш учун ўз асарида жуда кўп ривоятларни келтирган. Баъзи ўринларда эса муболағали сўзларни ҳам киритиб юборган.

Бағдодда Хатиб Бағдодийнинг «Тарих Бағдод» асаридаги маълумотларни олимга ишончли (сиқа) муҳаддис шайх Имом Абул Маолий Фазл ибн Саҳл Исфарионий Ҳалабий етказган (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:15-16, 166, 235, 279, 427, 507 ва ҳ.к.). Хоразмий бу олимдан ўз асарида 30га яқин ерда Хатиб Бағдодий ривоятларини келтиради. Шунингдек, Хоразмий Абу-л-Фазл Ҳофиз Муҳаммад ибн Носир Саломийдан ўнга яқин ерда Бағдодда олган маълумотларини келтиради (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:233).

Абул Муайяд Хоразмий ўз сафарлари давомида Хуросоннинг қатор шаҳарларида, жумладан, Ҳамадонда бўлган (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:233). Хоразмийга маълумот берган Ҳамадонлик олимлардан бири Абу Мансур Шаҳрдор ибн Шеравайх Дайламий саналади (XII аср). Хоразмий ўз асарида бу олимни «ал-Ҳофиз, Саййиду-л-Ҳуффоз» («Ҳофиз, яъни ҳадис билимдони, Ҳофизлар саййиди») деб эслайди (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:32). Шу ерда олимга Абу Ҳанифа фаросатининг кучлилиги ҳақидаги ривоятни айтган устози Садру-л-Ҳуффоз Ҳасан ибн Аҳмад, Абу-л-Аъло Ҳамадонийдир. Бу ривоятда айтилишича, бир куни Абу Ҳанифанинг шогирди Абу Юсуф касал бўлиб қолди. Устозга «Абу Юсуф вафот этди» деган хабарни етказдилар. Шунда у деди:

– Айтган хабарингиз тўғри эмас.

Ундан бунга қандай билгани ҳақида сўраганларида айтди:

– У илм хизматчисидир. Олим киши ўз илми мевасини йиғиштириб олмагунича вафот этмайди.

Олим айтганидек, Абу Юсуф қозилик мансабига тайинланиб, илми мевасини йиғиштириб олди ва Абу Ҳанифа айтганлари тўғри чиқди (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:164). Хоразмий Абу-л-Аъло Ҳамадонийдан уч жойда ривоят келтиради (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:233, 337, 454). Шунингдек, Ҳамадонда Абу Умар Ҳамза ибн Абу Тоҳир, Абу-н-Нажиб Саъд ибн Абдуллоҳ Ҳамадоний, Абул Фараж Муҳ (Муҳаммад) ибн Абду-л-Малик ибн Шиор каби олимлардан маълумотлар олган (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:138, 155).

Шу билан бирга бошқа зиёрат қилган шаҳарлари каби бу жойдаги олимлар билан ҳам кейинчалик рисола орқали маълумотлар алмашилиб турган. Қозиу-л-қузот Нажмуддин Абу Мансур Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Бағдодий (XII аср) ҳам Хоразмийга Ҳамадондан рисола орқали Ҳанафийлик анъаналарини етказган (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:35). Шунингдек, Ҳамадондан Хоразмийга рисола орқали маълумот етказган яна бир олим Имом Ҳофиз Абу-н-Нажиб Саид ибн Абдуллоҳ ал-Марвазий Сакафий Шофеий эди. Шофеий мазҳабидаги бу олим томонидан Абу Ҳанифанинг фазилатларини мақтаб айтилган ривоятлар алоҳида диққатга лойиқдир. Хоразмий бу марвлик олимдан 10 ерда ривоят келтирган (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:138, 180, 189, 249, 265, 319, 351, 386, 435, 457).

Хоразмий Раъй шаҳрида бўлганида у ерлик қозилар қозиси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Астрободийдан Имом Абу Ҳанифа ривоят қилган ҳадисларни эшитган (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:38). Шу билан бирга Хоразмий Абу Абдуллоҳ ал-Астрободийдан Абу Ҳанифанинг шогирди Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим ибн Ҳубайб Ансорий (ваф. 798 й.) ҳақида ҳам маълумотлар келтиради (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:465). Хоразмийга хабар берган ушбу олимнинг иснодида келган ровийларнинг қози эканлари алоҳида урғу бериб таъкидланган. Яъни, бу иснодда номи келган Абу Абдуллоҳ Астрободийнинг ўзи ва Абу Абдуллоҳ Домғоний «қозиу-л-қузот» ҳамда Абу Абдуллоҳ Саймарий «қози» вазифасида бўлган. Ушбу қозилар орасида Абу Ҳанифага қозилик лавозими тақлиф қилинганида ва ҳатто дарра урилганида

ҳам уни қабул қилмагани ҳақидаги ривоят машҳур бўлган. Абу Абдуллоҳ Астрободий ривоятларининг яна бир диққатга сазовор ери уларни отасидан эшитгани, яъни у оилавий илм аҳлларида бўлганлигидир (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:187).

Манбадаги маълумотлар Хоразмийнинг Абу Ҳафс Насафий, Умар ибн Бакр Заранжарий каби Мовароуннаҳрдаги Самарқанд, Бухоро, Насаф каби маҳаллий илмий марказларда яшаган олимлар билан рисолалар орқали маълумот алмашилиши билан чекланганини кўрсатади (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:192, 275).

Бухородан туриб Хоразмийга қимматли маълумотларни етказган олимлардан бири Абу Ҳафс Умар ибн Бакр Заранжарийдир (ваф. 1188-89 й.). Хоразмий унинг номини «ал-Имом ал-Асил» («Асли тоза, наслу насабли устоз») дея юсак эҳтиром билан тилга олади. Хоразмий нафақат Абу Ҳафс Заранжарий, балки унинг отаси Абул Фадл Бакр ибн Муҳаммад ибн Али Заранжарий (ваф. 1118-19 й.) номини ҳам улуғлаб, «ал-Имом ал-Ажалл, Имом ал-аимма» («Улуғ имом, имомлар имоми»), дея зикр этади.

Хоразмий Абу Ҳафс Заранжарийдан унинг отаси нақл қилган куйидаги ривоятда ўша даврда Бухорода ҳанафийлик ва шофийлик орасидаги тортишувларни кўриш мумкин:

– Имом Шофеий асҳоблари ўз устозларини Имом Абу Ҳанифадан устун қўймоқчи бўлдилар. Шунда Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс «Имом Шофеийнинг устозларини сананглар!» деди. Уларни санаб 80тага етказдилар. Шундан сўнг Абу Ҳанифанинг олим ҳамда тобиийлардан иборат устозларини санадилар ва тўрт мингга етказдилар. Абу Абдуллоҳ: «Бу Абу Ҳанифа устунлигининг бир жиҳати холос», – деди (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:37). Гарчи, ушбу ривоятда муболаға қилинган бўлса-да, унда Абу Ҳанифага нисбатан Мовароуннаҳрдаги хурмат-эътиборни кўриш мумкин.

Номи юқорида зикр этилган «ал-Ансоб» асари муаллифи Абу Саъд Самъонийнинг номи Хоразмийнинг «Маноқиб»ида 10дан ортиқ жойда хурмат билан тилга олинади. Самъоний ўз мактублари орқали Хоразмийга Абу Ҳанифа ҳамда бошқа уламолар ҳақидаги маълумотларни берган (Абул Муайяд Хоразмий, 1981:27). Аммо, Самъоний ўзининг «ал-Ансоб» асарида Хоразмий ҳақида маълумот келтирмаган. Буни ўша даврда ислом оламининг маркази Ҳижоз ва Бағдод каби

шаҳарларга интилиш, у ерда фаолият кўрсатган олимлар ҳақидаги маълумотларни йиғишга эътибор кучли бўлганлигида ва ҳалифаликнинг чекка ҳудудларидаги уламоларга эътибор бир оз сустроқ бўлганида кўриш мумкин эди. Яна Абу Саъд Самъоний, асосан, саҳиҳ ҳадисларни ривоят қилган муҳаддисларнинг номини ўз китобига киритишга ҳаракат қилган. Хоразмий ривоят қилган ҳадислар орасида эса, хусусан, Абу Ҳанифа ҳақидаги саҳиҳ тўпламларда келмайдиган бир қатор ҳадислар жамланган.

НАТИЖА

Абул Муайяд Хоразмий Мовароуннаҳр, Хуросон, Ироқ, Ҳижозга сафарлари асносида ўз замонасининг кўплаб олим ва ровийларидан бевосита ёки билвосита, яъни мактуб ва рисолалар орқали илм олиш, ҳадис ва ривоятлар эшитиш, хабарлар алмашиш билан бирга кўплаб олимларнинг асарларидан ҳам унумли фойдаланган. Масалан, Хоразмий «Маноқиб» асарида Хатиб Бағдодийнинг (ваф. 1071 й.) «Тарих Бағдод» (تاريخ بغداد – «Бағдод тарихи») асаридан унумли фойдаланган.

Абул Муайяд Хоразмий ўз юртида фикҳ, адаб, тилшунослик илмлари бўйича бир қатор шогирдларга устозлик қилган. Улар орасида Носир ибн Абу-л-Макорим Абду-с-Саййид ибн Али Мутарризийни зикр этиш лозим (ал-Қурайший, 1993:528). Мутарризий 1141/42 йили Хоразмнинг Журжониясида туғилган. У аввал отаси, сўнгра Муваффақ ибн Аҳмад Хоразмий қўлида илмдан таҳсил олган. Фикҳ, тилшунослик, араб тили илмлари бўйича кўзга кўринган олим эди. Фикҳ луғати бўйича «ал-Муғриб фи тартиб ал-муъриб» («Араб сўзларини тартибга солишга оид ажойиб китоб»), мақомотга оид «ал-Изоҳ фи шарҳ мақомот ал-Ҳаририй» («Ҳаририй мақомотини шарҳлашга оид изоҳ»), «ал-Иқно» («Қаноатлантириш»), «ал-Мисбоҳ» («Чирок») ва бундан бошқа фан соҳаларига оид бир қатор асарларни тасниф қилган (ал-Қурайший, 1993:528).

Мутарризийнинг «ал-Мисбоҳ» асари одамлар орасида қўлдан-қўлга ўтиб юрувчи «хаммага мақбул ва фойдали китоб» сифатида таърифланади. «ал-Муғроб» эса фақиҳ уламоларнинг ҳар кунги ишлатадиган қўлланмасига айланган. Мисрдаги «Темурийлар кутубхонасида» Мутарризийнинг қўлёзмаси сақланган. Мутар-

ризий Муваффақ ибн Аҳмад Хоразмийга бир қатор илм соҳаларида таълим берган аллома Замахшарийдан ҳам таълим олган. У мўътазилий мазҳабининг етакчиларидан бўлиб, айтишларича, кейинчалик ҳанафий ақидасини қабул қилган. Замонасининг олимларидан ҳадис илмини ҳам ўрганган. 1204/05 йили ҳажга борганида йўлда Бағдодга кириб, у ерда ҳам қатор илмлар бўйича олимлардан таҳсил олган. 1213 йили вафот этган.

ХУЛОСА

XI-XII асрларда яшаб ўтган Абул Муайяд Муваффақ ибн Аҳмад Хоразмий ўз даврининг етук олимларидан бири бўлиб, ислом дини таълимоти, ҳанафий мазҳабини ривожлантириш ва билим тарқатишда салмоқли ҳисса қўшган. Унинг илмий ва маънавий мероси нафақат Хоразмда, балки ислом дунёсида кенг тарқалиб, кейинги авлодларга таъсир ўтказган. Хоразмийнинг илмга бўлган қизиқиши, мустаҳкам иродаси ва улкан маънавий салоҳияти уни ислом оламининг Бағдод, Куфа, Ҳамадон каби йирик илм марказларидаги машҳур олимлардан таълим олишига имкон яратган.

Унинг асарлари, жумладан, «Маноқиб Аби Ҳанифа» асари, ҳанафий мазҳабини ўрганиш ва унинг асосларини ёритишда муҳим манба сифатида қаралади. Бу асарда Абул Муайяд ўз устозларидан эшитган ҳадислар ва ривоятларни жамлаб, ҳанафий мазҳабининг асосчиси Имом Абу Ҳанифа сиймосини халқ кўзида яхши билган ва ибратли инсон сифатида тасвирлайди. Хоразмий ушбу асар орқали ҳанафий мазҳабининг қадриятларини қайта тиклашга ва унинг мўътадил йўналишини намоён этишга ҳаракат қилган.

Хоразмийнинг илмий ва маънавий фаолияти ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳолатлар, турли мазҳаблар ва илм марказлари ўртасидаги алоқаларни чуқур англашга ёрдам беради. Унинг ҳаёти ва ижоди ҳозирги кунда ҳам ислом оламида илм-фан ва маънавиятни ривожлантиришда намунали бир мавзу бўлиб қолмоқда. Мазкур мақолада Хоразмийнинг ҳаёти, таълим олган мактаблари, устоз ва шогирдлари билан муносабатлари, илмий сафарлари ҳамда асарларига оид батафсил маълумотлар тақдим этилади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абул Муайяд Хоразмий, ал-Имом ал-Муваффақ ибн Аҳмад ал-Маккий. (1981). Маноқиб Аби Ҳанифа. Байрут: Дор ал-китоб ал-илмия.
2. Имом Муваффақ ибн Аҳмад Маккий Хоразмий. (2005). Манақиб Аби Ҳанифа. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
3. Абул Муайяд ал-Муваффақ ал-Маккий Хоразмий. Маноқиб Аби Ҳанифа. Истанбул: Сулаймония кутубхонаси. Валиюллоҳ Жоруллоҳ Афанди фонди. Қўлёзма № 1631.
4. Абдул-Қодир Қураший. (1993). Ал-Жавоҳир ал-мудия фи табақоти-л-ҳанафия. 6 Жилдли. Қоҳира: Ҳижр.
5. Самъоний Абу Саъд Абдул Карим ибн Муҳаммад. (1998). Ал-Ансоб: 6 жилдли / Абдуллоҳ Умар ал-Боруди таҳрири остида. Байрут: Дору-л-кутуб ал-илмия.
6. Самъоний, М. (2001). Ал-Ансоб. Ж 4. Байрут: Дор ал-Башоир ал-Исломия.
7. Босворт К. (2007). Мусулмон сулолалари. Йилнома ва шажаралар бўйича маълумотнома. Изохлар билан таржимаси. Тошкент: Фан нашриёти.
8. Ислом энциклопедияси. (2004). Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси.
9. Matibaeva R.B. (2009). «Manaqib Abi Hanifa» of Abu-l-Mu'ayyad al-Makki al-Khorazmi is a Unique Source on Hanafi Madhab». PhD dissertation. Tashkent Islamic University, Tashkent, Uzbekistan.
10. Matibaeva R.B. (2021). Interaction of general Islamic and local sociocultural components in Central Asia in the 9th-14th centuries (based on the works «Manakib» and «Musnad» about Abu Hanifa). Doctoral dissertation. International Islamic Academy of Uzbekistan, Tashkent, Uzbekistan.
11. Muminov A.K., Uygun S., Bulut V. (2021). Tracing the Sources of V.G. Tiesenhausein in the Arabic Volume on the History of the Golden Horde. Zolotoordynskoe obozrenie=Golden Horde Review. 2021, vol. 9.
12. Muminov A. Chapter 9 Sufi Groups in Contemporary Kazakhstan: Competition and Connections with Kazakh Islamic Society. Sufism in Central Asia. vol. 25.
13. Ashirbek Muminov. (2020), The Sacred Families in Central Asia. The Family in Central Asia: New Perspectives, edited by Sophie Roche, Berlin.

REFERENCES

1. Abu al-Mu'ayyad al-Khwarazmi, al-Imam al-Muwaffaq ibn Ahmad al-Makki. (1981). Manaqib Abi Hanifa. Beirut: Dar al-Kitab al-Ilmiyya.
2. Al-Imam al-Muwaffaq ibn Ahmad al-Makki al-Khwarazmi. (2005) Manaqib Abi Hanifa. Beirut: Dar al-Kitab al-Ilmiyya.

3. Abu al-Mu'ayyad al-Muwaffaq al-Makki al-Khwarazmi. *Manaqib Abi Hanifa*. Istanbul: Suleymaniye Library, Waliyullah Jarullah Afandi Collection, Manuscript № 1631. (Manuscript, date unknown).
4. Abdul-Qadir al-Qurashi. (1993). *Al-Jawahir al-Mudiyya fi Tabaqat al-Hanafiyya* (6 volumes). Cairo: Hija.
5. Al-Sam'ani, Abu Sa'd Abd al-Karim ibn Muhammad. (1998). *Al-Ansab* (6 volumes, Ed. Abdullah Umar al-Barudi). Beirut: Dar al-Kutub al-Ilmiyya.
6. Abu Sa'd Abd al-Karim ibn Muhammad al-Sam'ani. (2001). *Al-Ansab*. Vol. 4. Beirut: Dor al-Bashair al-Islamiyya.
7. Bosworth, C. (2007). *Muslim Dynasties: A Chronological and Genealogical Reference*. Tashkent: Fan Publishing.
8. Matibayeva, R. B. (2009). "Manaqib Abi Hanifa" of Abu al-Mu'ayyad al-Makki al-Khwarazmi is a Unique Source on Hanafi Madhhab. PhD Dissertation. Tashkent Islamic University, Tashkent, Uzbekistan.
9. Islamic Encyclopedia. (2004). Tashkent: Uzbekistan National Encyclopedia.
10. Matibayeva, R. B. (2021). *Interaction of General Islamic and Local Sociocultural Components in Central Asia in the 9th–14th Centuries (Based on the Works "Manaqib" and "Musnad" about Abu Hanifa)*. Doctoral Dissertation. International Islamic Academy of Uzbekistan, Tashkent, Uzbekistan.
11. Muminov, A. K., Uyghur, S., & Bulut, V. (2021). Tracing the Sources of V. G. Tiesenhausen in the Arabic Volume on the History of the Golden Horde. *Zolotoordynskoe Obozrenie = Golden Horde Review*, 9.
12. Muminov, A. (2021). Sufi Groups in Contemporary Kazakhstan: Competition and Connections with Kazakh Islamic Society. In *Sufism in Central Asia* (Vol. 25).
13. Muminov, A. (2020). The Sacred Families in Central Asia. In S. Roche (Ed.), *The Family in Central Asia: New Perspectives*. Berlin.

